

# ПУДРАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ШАРТНОМА

2022 йил «20»Июнь

№ 01462566-сон

Чуст тумани

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Буюртмачи” деб юритилувчи **Чуст туман Мактабгача таълим бўлими** номидан бўлим мудири **Б.Сотимов** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Пудратчи” деб юритилувчи **"ООО DOCTOR ENERGY "** МЧЖ номидан курувчи **У.Мирзаев** лар мазкур шартномани қуидагилар хакида туздик:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг балансида булган **35-сонли МТТ** Олд томон айвони тусини жорий тамирлаш 2022 йил 1 сентябргача бажариб бериш учун тузилди.

1.2. Мазкур шартномада кайд этилган баҳолар “Буюртмачи”нинг смета хужжатларига асосан 2022 йил бозор нархларида, ҚҚС кўлланган холда амалга оширилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

“Буюртмачи” тақдим этилган лойиха смета хужжатлари ва бошка хужжатлар қабул килиб олиб, уни ўрганиб чикиб шу асосда иш олиб боради.

“Пудратчи” лойиха-смета хужжатларини ўрганиб аникланган камчиликлар юзасидан “Буюртмачи”га хабар беради.

Лойиха смета хужжатларида ва бажарилган ишлар далолатномасидаги лимитланган ва бошка ҳаражатлар “Пудратчи” ва “Буюртмачи” билан ўзаро тасдиқланган Ф-05 асосида хисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

Ушбу шартнома шартлари асосида бажарилган мухандислик тизимлари, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши ёки таъмирланиши тугалланган объектни қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлиб камида 24 ой этиб белгиланади.

Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликларни ва нуксонларни ўз вактида бажарувчи томонидан бартараф этишни таъминлайди.

### 2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртманомаси ва нуксон далолатномаси бўйича бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларини мазкур шартномага мувофик қабул килади.

Бажарилган ишлар ва олдиндан тўловлар учун хужжатларни расмийлаштириш ва тўловларни ўз вактида таъминлайди.

### **III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан бирга 460 869 934 (тўрт юз олтмиш миллион саккиз юз олтмиш тўккиз минг тўккиз юз ўттиз тўрт) сўмни ташкил этади.

3.2. Курилиш материалларини транспортда ташин ва тушириш бўйича барча харажатларни “Пудратчи” кўтаради.

3.3. “Буюртмачи” бажарилиши лозим бўлган ишларни суммасининг 30 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Бажарилган ишлар учун қабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 30 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб киласди.

3.4. Бажарилган ишлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб килинади.

### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилини керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисбланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишига ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришига йўл кўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Қурилиш-монтаж ишларини қабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисбланади.

Ҳисоб-китоб хужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана бажарилган ишга ҳақ тўлаш бўйича “Буюртмачи” мажбуриятлари бажарилган сана ҳисбланади.

4.4. “Буюртмачи”нинг розилиги билан қурилиш-монтаж ишлари олдин бажарилиши мумкин. бажарилган ва “Буюртмачи” томонидан қабул қилинган ишлар учун кейинги даврларда бажарилиши керак бўлган ишлар ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бевосита “Буюртмачи”нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул килинади. Далолатнома белгиланган тартибда тузилади.

### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб колганлиги учун айбор томон бекор туриб қолганлик билан боғлик сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб колиш вакти томонлар ўртасида имзолантган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

5.2. Бажариладиган ишлар сифати, микдори “Пудратчи” томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари

аниқланган тақдирда “Пудратчи” бажарилған ишларнинг сифатини, шунингдек уларнинг міңдорини хисобға олған холда кайта хисоб-китоб килади ва хисоблаб чиқилған ушбу суммадан ташкари “Буюртмачи”га нотүгри хисоб-китоб килинган сумманинг 5 фоизи міңдорида жарима тұлайды.

5.3. Агар бажарилған курилиш-монтаж ишларининг сифати, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланған бошқа шартларға жавоб бермagan тақдирда, айбдор томон бажарилған, сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи міңдорида жарима тұлайды.

5.4. Курилиш-монтаж ишларининг бажарилиши бўйича шартномада назарда тутилған мажбуриятлар бажарилиши рад этилғанлиги учун “Пудратчи” “Буюртмачи”га белгиланған устамалардан ташкари бажарилиши керак бўлган хизматнинг 20 фоизи міңдорида жарима тұлайды. Жаримадан ташкари, “Пудратчи” “Буюртмачи”га курилиш-монтаж ишларининг бажарилмаслиги натижасида етказилған заарни тұлайды.

5.5. Курилиш-монтаж ишларининг бажарилиши кечикирилған ёки тўлик бажарилмаган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га кечикирилған хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисемининг 0,5 фоизи міңдорида пеня тұлайды, бирок бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва курилиш-монтаж ишларининг бажарилиш муддати кечикирилиши ёки тўлик бажармаслиги туфайли етказилған заарлар копланишидан озод этмайды.

5.6. Бажарилған курилиш-монтаж ишлари учун ўз вактида ҳак тўланмаганда “Буюртмачи” “Пудратчи”га муддати кечикирилған хар бир кун учун кечикирилған тўлов суммасининг 0,4 фоизи міңдорида пеня тұлайды, бирок бу кечикирилған тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.7. “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун “Буюртмачи”ни ва жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатеизлиги) томонидан шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган “Пудратчи”нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

5.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома хар икки томон тасдиклаб, Газначилик бўлими томонидан рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарунга кадар амал қиласди. Томонларни мажбуриятларини сўнги бажариш муддати **2022 йил 31 декабрга** кадар этиб белгиланади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий хисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

“Пудратчи”

**"ООО DOCTOR ENERGY"  
МЧЖ**

Манзил: Чуст тумани,  
Чуст, Пансада МФЙ, Чустий кўча  
44 уй, 8-хонадон  
Тел./факс: +99897-210-45-45

х/р: 20208000804817377001

Банк номи: АТ Унверсалбанк Чуст  
филиали

МФО: 01193 СТИР: 207040558



У.Мирзаев

“Буюртмачи”

**Чуст туман Мактабгача таълим бўлими**

Манзил: Чуст шахри, Чарогон кўчаси, 9-уй

Ш.х.в 401722860142377091100251010

Банк номи: Марказий банк Тошкент  
шахри Б.Б КХКМ

МФО 00014, ОКОНХ 92400

СТИР: 305151766

Молия вазирлиги газначилиги  
х/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шахри Б.Б КХКМ  
СТИР 201122919 МФО 00014



Рахбар:  Б.Сотимов

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ TW01462566

1. Loyihaning turi. Shartnomा.
2. Loyihaning nomi:  
Qurilish pudrati to'g'risida.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.  
Shartnomа loyihasi Chust tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan  
ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022-yil  
15-iyun kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik texnikasi va qoidalariga, qonun hujjatlariga  
muvofiq ishlab chiqilgan, loyihada korrupsiyaga sabab bo'luvchi omillar mavjud  
emas va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



S.Xojayev

2022-yil 16-iyun